

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 6 ноябрь • № 45 (1066)

ФАРОВОН ТУРМУШ, БАХТЛИ ҲАЁТ, СОҒЛОМ АВЛОД

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир

Мустақиллик неъматини улкан ниятлар ва юксак орзуларни рўёбга чиқарди, Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, фарзандлар камоли учун ғамхўрлик кўрсатиш, кексаларни эъозлашдек эзгу амалларни бизга ҳамроҳ этди, ҳеч кимдан кам бўлмаган жамиятни барпо қилиш саодатига етказди.

Бинобарин, ривожланишнинг ўзимизга хос ва мос йўли – “Ўзбек модели” асосида барча соҳада, жумладан, тиббиёт тизимида кенг қўлланма ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилди. Бунинг натижасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан тортиб, юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача – барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукамал ташкилий тизимини яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий мактаблар негизда 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий маркази ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда, айниқса, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими орқали аҳолига тезкор, сифатли тиббий хизмат ташкил этилмоқда. Юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари, уларнинг шаҳар ҳамда туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимлари ҳам бутунлай янги тизим шакллантирилган.

Хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошида 172 та субфилиал мавжуд. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “103” станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати саломатлик муҳофазасини таъминлаётди.

– Шу билан бирга, халқимизга хос болажонлик фазилати давлат миқёсига кўтарилди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев**. – Президентимиз Исроҳон Каримовнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!” деган сўзлари бугун миллатимизнинг эзгу шиорига айланган. Мустақилликнинг илк йилларида “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилгани ҳам бу борадаги ишларнинг мазмун-моҳиятини ифода қилиб турибди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йиллар – “Оила йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” каби номлар билан аталиши замирида ҳам, аввало, фарзандларимиз, қолаверса, аҳолининг барча қатламига кўрсатилаётган ғамхўрлик мужассам. Ўтган давр мобайнида “Соғлом она – соғлом бола” ғоясини ўзида ифода этувчи дастурлар асосида кенг қўлланма чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилиши натижасида Скрининг ва Перинатал каби янги тиббий марказлар ҳамда уларнинг вилоятлардаги филиал-



лари миллий тиббиётимизда мустаҳкам ўрин эгаллади. Қолаверса, айни пайтда юртимизда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказлари, шунингдек, уларнинг жойлардаги филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада Скрининг марказлари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохоналари, шунингдек, ихтисослаштирилган педиатрия тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Оналар ҳамда болалар тизимли асосда тиббий текширувдан ўтказилаёпти. 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари чу-

қурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу эса касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уларни самарали даволаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжат асосида юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий ёрдам кўрсатаётган муассасаларнинг моддий-техник базаси ҳамда кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усуллари жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликлари-

нинг олдини олиш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт тизимини ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар одамларнинг узоғини яқин, мушкулани осон қилмоқда. Масалан, яқин-яқингача “Урология йўналишида энг мураккаб касалликларни ҳам самарали даволаш имкониятига эга давлатлар қайси?” деган савол ўртага ташланса, бу борада Германия, Италия ва АҚШ каби давлатлар етакчи сифатида тилга олинади. Бугун улар қаторида Ўзбекистон номи ҳам ҳақли равишда эътироф этилаяпти. Сабаби, илғор мамлакатлар тиббиётда жорий қилинган даволашнинг деярли барча замонавий усуллари эндиликда ўзимизда ҳам қўлланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ
СОНДА:

2015 йил 8 ноябрь – Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан мамлакатимизнинг бир гуруҳ шифокору ҳамширалари меҳнати қўллаб-қувватланиб, улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига асосан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси” кўкрак нишонига муносиб деб топилдилар.

3

В ФЕРГАНЕ ВПЕРВЫЕ ПРОВЕДЕНА
ОПЕРАЦИЯ НА СЕРДЦЕ

В Ферганском областном многопрофильном детском медицинском центре впервые и успешно проведена сложная хирургическая операция у двух детей с врожденным пороком сердца.

6

ФАРОВОН ТУРМУШ, БАХТЛИ ҲАЁТ, СОҒЛОМ АВЛОД

Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ана шу эзгу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир

2003 йилда иш бошлаган Республика ихтисослаштирилган урология маркази ана шундай даволаш масканларидан биридир. Бу ерда йилига 30 минг нафарга яқин бемор саломатлигини тиклайди, йил давомида 8,5 мингдан зиёд мураккаб ва тифсиз жарроҳлик амалиётлари бажарилади. Хусусан, бугун эндоскопик жарроҳлик усули буйракда тош йиғилиши билан боғ-

роҳлик амалиётлари сони ўн мингтадан ошди.

Ортопедиянинг энг мураккаб соҳаларидан саналган сколиоз касаллигини оператив даволашнинг йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим ютуқларимиздандир. Шунингдек, яссиоёқлик, куракнинг туғма юқори туриши, кўкрак қафаси деформациялари сингари касалликларни замонавий даволаш технологиялари кенг

саъй-ҳаракатларга юқори баҳо беришди.

Инсон манфаатларига йўналтирилган бу каби ислохотлар юксак самара бераётгани Президентимизнинг 2014 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида келтирилган куйидаги рақамларда ҳам яққол ифодаланган: "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган".

– Глобаллашув даврида тиббиётда катта ютуқларни қўлга киритиш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, пировардида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш айрим мамлакатларга хос, – дейди Республика скрининг маркази директори **Мадина Шарипова**. – Фахр билан айтиш керакки, юртимизда инсон саломатлигини муҳофазалаш учун муносиб шарт-шароит яратилган. Ўз йўналишимиздан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, бугунги кунда нафақат республикамиз, балки худудий скрининг марказларида ҳам ягона стандарт бўйича аҳолига махсус ихтисослаштирилган тиббий-генетик хизмат кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, туман миқёсидаги бирламчи тиббий-санитария бўғинида ҳам скрининг текширувлари жорий этилди. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик. Сўнгги уч йил давомида 960 мингдан зиёд чақалоқ ва қарийб 1 миллион 400 минг нафар ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Замонавий технологияга асосланган ультратравуш ҳамда биокимёвий усуллар бундай текширувлар натижасида кейинги икки ярим йил ичида қарийб 35 мингга яқин нуқсонли бола туғилишининг олдини олишга эришилди. Агар ушбу рақам ортида минглаб ота-оналар, оилалар қувончи борлигини назарда тутса, тизимда нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганлигини англаш қийин эмас.

Юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш масаласи ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукус каби шаҳарларда тиббиёт олий ўқув юрталари ва Тошкент Давлат стоматология институти ҳамда унинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этишнинг принципапал жиҳатдан мутлақо янги тизими шакллантирилди. Мамлакатимиз тиббиёт институтилари Шарите (Германия), Гарвард (АҚШ), Манчестер (Буюк Британия), Вена (Австрия) университетлари клиникалари, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилаётган улкан эътибор, авваламбор, бу соҳани ривожлантириш-

га йўналтирилаётган инвестицияларда ўзининг аниқ исботини топмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори мувофиқ, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорли-

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул дам олиш ҳуқуқига эга бўлганликлари ҳам таҳсинга сазовор.

– Фуқароларимизнинг хорижий мамлакатларга бормасдан, юртимиздаги тиббий марказлар ва клиникаларда даволаниши



лик муаммоларни осонгина ҳал этиш имконини бераётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Айтайлик, бундан 15-20 йил олдин беморнинг буйрағида тош бор, деган ташхис қўйилса, унинг ҳажмидан қатъи назар, даволаш чораси битта эди – фақат тиг теккизиш йўли билан оғриқдан халос этиш. Айни пайтда эса бундай хасталикка йўлиққанларнинг 88 фоизи кам жароҳат етказиш усули асосида даволанмоқда. Бу, албатта, жаҳондаги энг илғор мамлакатларда эришилган кўрсаткичларга тенг.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самарасини травматология ва ортопедия мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда республика травматологияси ва ортопедияси фани ҳамда амалиёти соҳасида 1277 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Улардан 17 нафари фан доктори, 100 га яқини фан номзоди, 648 нафари тоифали мутахассислардир.

– Йигирма беш йил аввал суяк синишларини жарроҳлик усулида даволаш 10-12 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, ушбу кўрсаткич 70 фоиздан ошди, – дейди Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори **Мирҳаким Азизов**. – Фақат ривожланган давлатлар тиббиётига хос бўлган жароҳат олганларни тезда оёққа тургазиш имконини берувчи усуллар муваффақият билан татбиқ этилаёпти. Жумладан, аҳоли орасида кенг тарқалган, йирик бўғимлар артрозлари деб аталувчи касалликни даволаш учун эндопротезлаш (сунъий бўғим ўрнатиш) операцияси ҳам бир неча ихтисослаштирилган клиникаларда ўзлаштирилди. Тизза бўғими жароҳатлари ва касалликларини артроскопик усулда операция қилиш ҳам кенг қўламли амалиётга айланиб, бу каби жар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзлаштирилди.

Юқорида қайд этилган операциялар жаҳоннинг тараққий топган мамлакатларидаги нуфузли клиникаларда амалга оширилиши ҳисобга олинса, эндиликда беморларнинг хорижга боришига зарурат қолмади. Қолаверса, тизимга янги технологияларни татбиқ этишдан ташқари, институтимиз ва бошқа олий ўқув юрталари кафедраларининг травматолог-ортопед олимлари кенг қўламли илмий изланишларни амалга оширдилар. Бунинг натижасида кейинги ўн йил ичида 50 дан ортқ оригинал даволаш усуллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Буларнинг барчаси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самарасидир. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатлар 2011 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофазалашнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан уюштирилган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ҳамкорлигида ўтказилган эди. Унда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, АҚШ, Хитой, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис қатнашди. Улар юртимиздаги бир қатор даволаш муассасаларида бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофазалашга қаратилаётган эзгу



гини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шунга биноан, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий қилиш, тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биласиз, фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ишлар болаларнинг 98 фоизини ҳар йили юқумли касалликларга қарши эмлашни ҳам кўзда тутди. Шу туфайли қатор касалликлар, биринчи навбатда, болаларга юқадиган хасталиклар мамлакатимизда кўп йиллардан буён қайд этилгани йўқ.

Юртимизда ёши улуг инсонларни қадрлаш, эъзозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаёпти. Бинобарин, Юртбошимиз ташаббуси билан 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланиши бунинг яққол ифодасидир. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, уруш ва меҳнат фахрийлари соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун йилига бир марта ўзларига мақбул бўлган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вазирлиги, Ўзбекистон

учун барча шарт-шароитлар яратилган, – дейди академик **В. Воҳидов** номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази бош врач **Шухрат Ҳошимов**. – Масалан, бизнинг марказимизда юзлаб турдаги энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Яқинда беморларда қизилўнғач веналарининг варикоз кенгайган веналардан қон кетишини профилактика қилишнинг кичик инвазив усули жорий этилди. Мазкур даволаш усули бугунги кунда 4 нафар беморда ўтказилиб, юқори самарага эришилди. Келгусида бу усулни кенг қўллаш жигар хасталиги билан оғриган беморларда ўртача умр кўриш давомийлиги узайтирилишига олиб келади. Шу билан бирга, марказ томонидан юқори технологияли тиббий ёрдамни худудларда татбиқ қилишда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Наманган ва Хоразм вилоятларида юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш ҳамда аорта коронар шунтлаш каби юқори технологияли жарроҳлик амалиёти татбиқ қилина бошланди. Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан эса гемаблостозларнинг диагностикаси ҳамда давоси мониторингига молекуляр-генетик усул киритилди. Мазкур усул гемаблостозларга аниқ ташхис қўйиш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, тиббиёт тизими ходимлари изланишдан, тажриба ва маҳорат орттиришдан тўхтаб қолганлари йўқ. Зеро, мустақиллик йилларида шифокорлик юксак эҳтиромга сазовор касбга айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида нишонланиши ҳам мамлакатимиз шифокорларининг меҳнатига билдирилган юксак ҳурмат ва эъзоз ифодасидир.

**Фурқат САНАЕВ,
Мақсуд ЖОНИХОВ.**

(«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 5 ноябрь сонидан олинди).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш тизимида фидокорона ва фаол меҳнат қилиб келадиган ходимларни муносиб тақдирлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

Куйидаги тиббиёт ходимлари “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлансин:

- 1. Арнаутова Надежда Сергеевна** – Қорақалпоғистон Республикаси тери ва таносил касалликлари диспансери лаборатория бўлими мудири
- 2. Джарилкапова Клара Имашевна** – Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Учсой” қишлоқ врачлик пункти мудири
- 3. Исмадова Тамара Тилалдиевна** – Ҳамширалар ассоциацияси Андижон вилояти бўлими бошлиғи
- 4. Ахунова Дилорамхон Алимовна** – Асака туман тиббиёт бирлашмаси 2-туғруқ комплекси врач-неонатологи
- 5. Тошбоев Раҳимжон Аҳмедович** – Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси врач-анестезиолог-реаниматологи
- 6. Ҳакимов Дилшодбек Мамадалиевич** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали директори
- 7. Облоқулов Шухрат Шойимович** – Ғиждувон туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири
- 8. Умунов Акбар Умарович** – Пешку туман тиббиёт бирлашмаси “Шавгон” қишлоқ врачлик пункти мудири
- 9. Хайдарова Гульжамол Батировна** – Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳайъат котибаси
- 10. Искандаров Диёр Ҳасанович** – Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси инфекционисти
- 11. Норбеков Хамракул** – Жиззах туман тиббиёт бирлашмаси акушерлик комплекси мудири
- 12. Пирматов Илхомиддин Рўзикулович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекцияси Навоий вилояти бўйича бошлиғи
- 13. Умурзаков Маматкул Сафарович** – Хатирчи тумани “Зарафшон” қишлоқ врачлик пункти мудири
- 14. Турсунов Шокир Мустафаевич** – Учқудуқ тумани “Қўлқудуқ” қишлоқ врачлик пункти мудири
- 15. Мамадалиев Марпали** – Чуст туман тиббиёт бирлаш-

масига қарашли Олмос қишлоқ худудий бўлими мудири

16. Жалилов Акмалжон Олимович – Наманган вилояти кардиология маркази рентгенэндоваскуляр хирургия бўлими мудири

17. Болтибоева Дилфуза Сативолдиевна – Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳайъат котиби

18. Бекимбеков Кулмирза Турғунович – “Чортоқ” болалар сихатгоҳи ревматология бўлими мудири

19. Нарматов Хусан Тагаевич – Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими бошлиғи

20. Рузиев Илхом Хамидович – Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими бошлиғи

21. Каримов Абдурафик – Самарқанд вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси бўлим мудири

22. Бектошев Раҳматилло – Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси нейрохирургия бўлими мудири

23. Мамурова Замира – Самарқанд тумани тиббиёт бирлашмаси ташкилий-услубий бўлими мудири

24. Ризаева Севил Рамазановна – Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош ҳамшираси

25. Усманкулова Дилором Холмуминовна – Сирдарё вилояти кардиология диспансери кардиолог-врачи

26. Хайитов Абдихалик Курбанович – Сурхондарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази абдоминал хирургия бўлими бошлиғи

27. Қорақулов Холмат – Сурхондарё вилояти Сарийосиё туман тиббиёт бирлашмаси врач

28. Мустафақулов Ибадилла – Тошкент вилояти Олмалик шаҳар марказий шифохонаси хирургия бўлими врач-травматолог

29. Мирсаидова Гулнора Сураатовна – Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси бош шифокори

30. Жуманиёзов Улуғбек

– Назорат инспекциясининг Тошкент вилояти бўйича бош назоратчиси

31. Тухтакулов Абдукаюм Юлдашевич – Фарғона вилояти Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

32. Каримова Тожихон Омонна – Тошлоқ тумани “Варзак” қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси

33. Абдурахманов Тулкун Икрамович – Хоразм вилояти руҳий касалликлар диспансери эркаклар бўлими мудири

34. Юлдошов Гайрат Эргашбоевич – Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог врач

35. Шукурлаев Қадир – ТТА Урганч филиали “Нормал физиология, биофизика ва информатика” кафедраси профессори

36. Тажимова Гуласал Ражаповна – Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Хоразм” қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси

37. Умарова Муқаддас Хушнетовна – Тошкент шаҳар Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

38. Миракилова Динара Дилмуратовна – Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси неврология бўлими врач

39. Юсупова Асия Алимовна – Тошкент шаҳар 1-сон клиник болалар шифохонаси қабулхона бўлими мудири

40. Маликова Гульнора Тўрабовна – Тошкент шаҳар 1-сон клиник болалар шифохонаси гўдак ёшидаги болалар патологияси бўлими мудири

41. Пулатова Зулфиниса Абдурахимовна – “Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази” АЖ бош врач ўринбосари

42. Неулыбина Наталья Сергеевна – “Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази” АЖ чақалоқлар патологияси бўлими мудири

43. Камалов Телман Толяганович – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси қандли диабетнинг йирингли асоратлари бўлими мудири

44. Ногаева Елена Айдеровна – Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти клиникаси бош врач

45. Исхаков Элдар Джасурович – Гематология ва қон

қуйиш илмий-текшириш институти клиникаси 1-гематология бўлими врач-гематологи

46. Гулямова Сайёра Закировна – Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси бош ҳамшираси

47. Ҳашимова Хилола Нарзуллаевна – Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти клиникаси врач

48. Солиев Турабой Йўлдашович – “Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази” АЖ офтальмолог

49. Разиқов Адхам Абдурахимович – Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази бактериология ва микробиология лаборатория мудири

50. Хамидова Гулчехра Халиловна – “Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази” АЖ бўлим мудири

51. Абдуганиев Кахрамон Абдулазизович – 1-сонли Республика клиник шифохонаси урология бўлими мудири

52. Иминов Айбек Исмаилович – 2-сонли Республика клиник шифохонаси врач-педиатри

53. Курбанова Мухтабар Мирзакаримовна – 2-сонли Республика клиник шифохонаси рентген-лаборанти

54. Югай Игорь Александрович – Республика нейрохирургия илмий маркази 6-нейрохирургия (болалар) бўлими врач-нейрохирурги

55. Шатурсунов Шахайдар Шаалиевич – Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти вертебрология бўлими раҳбари

56. Алимова Фарида Мелиевна – Республика ихтисослаштирилган суяк-йиринг хасталиғи ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази фельдшер-лаборанти

57. Саттаров Хасан Илхамович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази кардиотерапевтик реанимацияси бўлими мудири

58. Каримджанов Илхамджан Асамович – Тошкент тиббиёт академияси “Умумий амалиёт шифокори педиатрия” кафедраси мудири

59. Шайхова Халида Эркиновна – Тошкент тиббиёт академияси ЛОР касалликлари кафедраси профессори

60. Шильцова Наталия Васильевна – Тошкент фармацевтика институти “Фармакология ва клиник фармация” кафедраси доценти

61. Якубов Раҳим Камилович – Тошкент Давлат стоматология институти “Болалар юз-жағ жарроҳлиғи” кафедраси профессори

62. Ҳамрабаева Феруза Ибрагимовна – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Гастроэнтерология ва физиотерапия” кафедраси мудири, терапия факультети декани

63. Валиева Севархон Махаматовна – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси Республика ревматология маркази бўлим мудири

64. Мамажанов Эркин – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси ички назорат инспекцияси бошлиғи

65. Сапаров Юлдош Бобожонович – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси 2-умумий терапия бўлими мудири

66. Усманова Наина Анваровна – Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси бош врач ўринбосари

67. Аҳмедов Пўлат Мухторович – Тошкент Давлат стоматология институти клиникаси стоматолог-ортопеди

68. Тагаева Людмила Умаровна – Тиббиёт санитария бирлашмаси 1-марказий поликлиникаси 3-терапия бўлими участка терапевти

69. Васильева Людмила Георгиевна – Тиббиёт санитария бирлашмаси 2-марказий клиник шифохонаси кардиология бўлими мудири

70. Чупрова Валентина Александровна – Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти станцияси бош врач ўринбосари

71. Ҳасанова Дилфуза Раҳимовна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

72. Фазилова Гулнора Файзуллаевна – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси етакчи мутахассиси

Вазир

А. АЛИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2015 йил 30 октябрь.

Касб байрамингиз муборак бўлсин!

Не бахтки, сизлар борсиз, юртимиз ҳакимлари, Сиз туфайли ошкора тиббиёт тилсимлари, Жисмингизда шахдамдир тиббиёт олимлари, Касбида фидокорсиз, тиббиёт ходимлари.

Инсон соғлиғи учун еларсиз-югурарсиз, Саломатлик постида мудом хушёр турарсиз, Бемор ўрнида гўё ўзингизни кўрарсиз, Ҳолидан хабардорсиз, тиббиёт ходимлари

Тўғри қўйиб ташхисни, касални ўрганарсиз, Бирга чекиб дардини, бирга куйиб-ёнарсиз,

Соғайгач бирга ўйнаб-қуларсиз, қувонарсиз, Бағоят бахтиёрсиз, тиббиёт ходимлари.

Бирингиз мохир жарроҳ, бирингиз доришунос, Бирингиз тиш огрикдан жонни этгувчи халос, Бирингиз мутахассис юракнинг илмига хос, Қўли гул шифокорсиз, тиббиёт ходимлари.

Бирам хушмуомала, бирам ширинсухансиз, Бемор қалбин дилкашлик билан жилолагансиз, Не-не хаста дилларни сўзла даволагансиз, Нотиқ-шакаргуфторсиз, тиббиёт ходимлари.

Синога лойиқ ворис бўлмоқлик ниятингиз, Қасамёдингизда акс этган қатъиятингиз, Ифодаси – мардона иш фаолиятингиз, Жонга дармон, мадорсиз, тиббиёт ходимлари.

Касб байрамингиз билан муборакбод этамиз, Қизгин табриклар йўллаб, кўнглингиз шод этамиз. Мадҳингизни баралла кўйлаб, ижод этамиз, Таҳсинга сазоворсиз, тиббиёт ходимлари.

Исомиддин ЖУМА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, меҳнат фахрийси.

Съезд

**ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ТАШХИСЛАШ,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

съезд иштирокчиларининг диққат марказида бўлди

2015 йилнинг 4-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда “Юқумли касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг устувор йўналишлари”га бағишланган инфекционистларнинг иккинчи съезди ўз ишини бошлади.

Съезд ишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тасаруфидоги тиббиёт муассасалари мутахассислари, шунингдек, Швейцария, Россия, АҚШ, Греция, Беларусь, Италия ва Қозғистон давлатлари вакиллари иштирок этишди.

Съездни Ўзбекистон Рес-

Шунингдек, академик Турғунпўлат Даминов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Лазиз Тўйчиев, Россия Тиббиёт Фанлари Академияси академиги Юрий Лобзин сўзга чиқиб, съезд мавзусидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ушбу йўналишда қўлга киритилган ютуқларни эътироф этишди.

қичларда аниқлаш учун мавжуд замонавий технологиялар имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, беморлар учун барча шароитлар яратилган, уларга 400 дан ортиқ тиббиёт ходими сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Муассасамизда илмий-тадқиқот ишлари ҳам изчиллик билан давом эттириляпти. Бунинг натижасида вирусли гепатит касаллигининг барча турларини даволаш ва олдини олишда муайян натижалар қўлга киритилди. Жумладан, С гепатитига қарши вакцинанинг ишлаб чиқилганлиги бугунга келиб бемор аҳолини 90-95 фоиз ҳолатда яхшилайди. Аҳоли орасида ўткир ичак касалликлари билан касалланишнинг олдини олиш мақсадида 2014 йилдан бошлаб ротавирус инфекциясига қарши эмлаш амалиётга киритилди ва 5 ёшгача бўлган болалар орасида диарея касалликлари билан хасталаниш 30,1 фоизга камайди. Бу каби ишлар вертикал тарзда вилоятларда ҳам амалга ошириб келинмоқда. 4 ноябрь куни мазкур съезд доирасида гепатологлар мактаби ўз ишини бошлади. Унда хорижий давлатлардан келган соҳа вакиллари маърузалари тингланди.

Давом этаётган ушбу съездда

робиология ва юқумли касалликлар ҳамда Вирусология илмий-текшириш институтлари фаолияти билан танишиш асносида ушбу муассасаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланганлиги, малакали кадрлар ва замонавий технологиялар билан таъминланганлиги бизни мамнун этди. Съезд кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулардаги чиқишлар, бу борада эришилган ютуқларнинг изчиллиги, бу албатта, илмий изланишларнинг юқори самарасидир. Съезд доирасида

ги ўрнини янада мустаҳкамлашига ишонамиз.

Нурмат ОТАБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош эпидемиологи:

– Юртимизда санитария-эпидемиологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш борасида бир қанча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш олиб борил-



публикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария вазири Сайдулло Сайдалиев кириш сўзи билан очди. У киши мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, шу билан бирга санитария-эпидемиология йўналишида олиб борилган самарали ишларга, бунинг баробарида эришилаётган ютуқларга тўхталиб ўтди.

– Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш, қарши курашиш масалалари давлат сийёсати даражасига кўтарилгани боис, қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида аҳоли орасида юқумли касалликларнинг эпидемик вазият барқарорлиги таъминланмоқда. Бунинг ифодаси сифатида айтиш мумкинки, бир неча йиллар давомида ўта хавфли ва карантинли инфекциялар мамлакатимиз ҳудудига киритилмаган ҳамда тарқалмаган. Айниқса, безгак, бўғма, полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, қизамик, қизилча ва 14 ёшгача вирусли гепатит В касалликлари рўйхатга олинмаган. Таъкидлаш мумкинки, юқумли касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Соҳага оид чиқарилган барча меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш йўлида олиб борилган ишлар қўлама жуда кенг. Жумладан, аҳоли ўртасида юқумли касалликларга қарши чора-тадбирларни олиб бориш билан бирга болаларда эмлаш жараёни юқори даражада ташкил этилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш керакки, 2002 йилда мамлакатимиз “Ўзбекистон – полиомиелитдан озод ҳудуд” сертификатини олди, – деди ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари С. Сайдалиев.



Жорий йилнинг 4 ноябрь куни Халқаро савдо марказида Ўзбекистон инфекционистларининг II курултойи доирасида инфекция касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишда истиқболли йўналишларга бағишланган гепатологлар мактаби тадбири ўтказилди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Л. Тўйчиев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан олиб борилган ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишда муҳим омил бўлиб келаётганини алоҳида қайд этди.

Гепатологлар мактаби тадбирида тингловчиларга Россия, Греция, Ҳиндистон ва Ўзбекистон олимларининг сурункали вирусли гепатит С касаллиги вирусига қарши муолажага замонавий ёндашувлар, HBV ва HCV этиологияли жигар циррози билан оғриган беморларни даволашга янгича ёндашувлар, сурункали вирусли гепатитларни даволаш самарадорлигини баҳолашда лаборатор маркерлар ва бошқа шу каби долзарб мавзуларга бағишланган маърузалар тақдим этилди.

– Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вирусология илмий-текшириш институти раҳбариятига инфекционистлар курултойи арафасида ўтказилаётган мазкур тадбир учун миннатдорлик билдираман, – деди Бухоро Давлат тиббиёт институти профессори Маъмур Абдурахмонов. – Халқаро аҳамиятга молик бўлган етакчи мутахассислар билан мулоқотда бўлиш амалиёти шифокорнинг малакаси ва маҳоратини ошириш, гепатология соҳасидаги илмий ютуқлар ва илғор тажрибаларни амалиётда қўллаш имконини беради.

Гепатологлар мактаби тадбирининг якуний қисмида ўзбекистонлик ва хорижлик инфекционист олимлар ўзларининг сўнги тадқиқот натижалари ва жаҳон тиббиётида татбиқ қилинаётган янги тиббий воситалар бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

Эркин МУСАБОВЕВ,
Республика вирусология илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

– Мазкур кенг доирадаги съезд ишида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уни даволаш жараёни билан боғлиқ бўлган барча масалалар камраб олинди. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада сезиларли ютуқлар кўзга ташланмоқда. Институтимизда касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва уни эрта бос-

мутахассислар долзарб мавзулар доирасида секция ишларида ҳам иштирок этишиб, ўзаро баҳс-мунозара юритишди. Ечимини кутаётган айрим муммолар юзасидан ўз тақлифларини ўртага ташладилар.

Юрий ЛОБЗИН,
Россия Тиббиёт Фанлари Академияси академиги:

– Эътироф этмоқчиманки, мамлакатимизда санитария-эпидемиология йўналишида ижобий ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, Республика эпидемиология, мик-

ўтказилган гепатологлар мактаби, шунингдек, секция ишларида кўтарилган муҳим аҳамиятга молик масалалар келгусида ҳар бир юқумли касалликлар шифокори ҳамда ҳамширалар фаолиятида асосий омил бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш давлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилгани боис, сизда миллий эмлаш тақвими яратилиб, 18 ёшгача бўлган болалар 13 та касалликка қарши эмланаётганлиги ижобий ҳодисадир. Съезд олтидан амалиётга жорий қилинган превенар 13-пневмококкга қарши вакцина икки, уч, ўн икки ойлик болалар ўртасида ўтказилганлиги ҳам алоҳида тилга олинди. Демак, Президентингиз раҳ-

моқда. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар камайиб, айримлари умуман қайд қилинмади. Биланмики, юқумли касалликлар трансегаравий хусусиятга эга бўлиб, эпидемия сифатида тез тарқалади. Шунинг учун биз мамлакатимизга чегарадош бўлган қўшни республикалар ҳамда хорижий давлатларга чиқиб келаётган фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш, саломатликларини назоратга олиш бўйича қатъий тартиб ўрнатганмиз. Касаллик ўчоги аниқланган ҳудудларда тезкор тиббий-санитария ишлари олиб борилиб, ўша ҳудуд аҳолиси учун хавфсиз ва барқарор муҳит яратилади, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Съезд иштирокчилари “Бактериал юқумли касалликлар, паразитар касалликлар”, “Эпидемиология, микробиология ва лаборатор ташхисот масалалари” каби секцияларга бўлиниб, унинг доирасида муҳим мавзуларда маърузалар олиб боришди. Маҳорат дарсларининг талбалар ўртасида ўтказилиши етук мутахассислар билим ва тажрибасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш ўринлики, давлатимиз томонидан санитария-эпидемиология тизимида қаратилаётган юксак эътибор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этаётганлиги фаолиятдаги самарали натижалардан кўриниб турибди.

Нуфузли анжуманда муҳокама қилинган барча масалалар долзарб характерга эга. Шубҳасиз, унда иштирок этган барча мутахассисларнинг билим даражаси, малакаси ва тажрибаси янада ошди. Хорижий давлатлардан келган етук мутахассисларнинг мамлакатимиздаги санитария-эпидемиологик вазиятга берган юқори баҳоси барчамизни мамнун қилади. Юқумли касалликлар билан курашиш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича ўзаро келишиб олинди. Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

Матбуот анжумани

ЯНГИ ВАКЦИНА АМАЛИЁТДА



Мамлакатимизда миллий эмлаш тақвими яратилиб, ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўндан ортиқ касалликка қарши эмланмоқда. Жумладан, превенар 13-пневмококкга қарши вакцина амалиётга жорий этилди.

Пневмококк эмлаш тадбирлари икки, уч, ўн икки ойлик болалар ўртасида ўтказилади.

“Ўзбекистон полиомиелит касаллигидан озод ҳудуд” лиги тўғрисидаги нуфузли халқаро сертификатга эга.



Мамлакатимизда пневмококк инфекциясига қарши янги вакцина амалиётда қўлланилди. Юртимиздаги барча бирламчи тиббиёт масканларида бошланган эмлаш ишлари фарзандларимиз саломатлигини асраш, ўткир юқумли касалликларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон миллий матбуот марказида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачлари С. Сайдалиев, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазирасини бажарувчи О. Гўзалов ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистон тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳолининг сани-

сертификат берилганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Юқумли касалликларнинг олдини олишда фақат санитария-гиена ва эпидемияга қарши тадбирлар эмас, балки бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши иммунизация тадбирларининг юқори даражада ташкил қилиниши ҳам жуда аҳамиятлидир. Охириги ўн йилликда республикада полиомиелит, қизамиқ-кизилча ва вирусли гепатит В га қарши оммавий эмлаш кунлари ўтказилди. 2015 йилда вакциналарни харид қилиб олиш учун 13 миллиард 600 миллион сўм маб-



мизда болалар саломатлигини сақлашда жамоамиз аъзолари бирдек масъулдир. Айниқса, эмлаш календари бўйича фаолият тўғри йўлга қўйилган бўлиб, бу борада ота-оналарнинг тиббий хабардорлиги ишларимиз самарадорлигини янада ошироқда. Миллий эмлаш календаридан ўрин олган 12 та вакцина ёнига пневмококк вакцинасининг қўшилиши ва унинг амалиётга татбиқ этилиши бир қанча касалликларнинг олдини олиш, бола иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу тадбирнинг очилиш маросими ҳамда илк эмлаш жараёни бизда ўтказилганлиги ҳудудимиз аҳолисини мамнун қилди. Албатта, фаолиятдаги умумий амалиёт шифокорлари, эмлаш ҳамширалари ушбу вакцина бўйича Юнусобод туман тиббиёт бирлашмаси томонидан ташкил этилган махсус



бола ушбу инфекция туфайли келиб чиқадиган оғир касалликлардан нобуд бўлмоқда.

Мамлакатимизда янги вакцина амалиётга жорий этишга жиддий тайёргарлик кўрилди. 8 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходими эмлаш ишларини амалга ошириш бўйича махсус тайёргарликдан ўтди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган умумий амалиёт врачлари ва патронаж ҳамширалари иштирокида махсус ўқув-услубий машғулот ташкил этилди.

– Пневмококк ҳаво орқали юқади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санита-



тария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш бўйича замонавий тизим яратилгани инсон саломатлигини асраш ва жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида юртимиз тиббиёт тизимининг барча йўналишлари қаторида санитария-эпидемиология хизматида алоҳида эътибор қаратилиб, юқумли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш масаласи давлат сис-ёсати даражасига кўтарилди. Айни пайтда тизимли равишда амалга ошириб келинаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида кўпга юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминланмоқда. Натижада, ўта хафли ва юқумли касалликлар безгак, дифтерия, полиомиелит, қоқшол, қизамиқ ва қизилча касалликлари қатор йиллар мобайнида рўйхатга олинмади. 2002 йилда ЖССТ томонидан мамлакатимизга “Ўзбекистон полиомиелит касаллигидан озод ҳудуд” тўғрисидаги нуфузли халқаро

лағ ажратилиб, ушбу маблағлар салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аҳоли орасида ўткир ичак касалликлари билан касалланишни камайитириш мақсадида 2014 йилдан бошлаб ротавирус инфекциясига қарши эмлаш амалиётга кири-тилди. Республика вирусология илмий-текшириш институти маълумотига кўра, 5 ёшгача бўлган болалар орасида диарея касалликлари билан касалланиш 30,0 фоизга камайди. Мамлакатимизда миллий эмлаш тақвими яратилиб, ўн саккиз ёшгача бўлган болалар ўндан ортиқ касалликка қарши эмланмоқда.

Пневмококк ўпка, мия ва юрак қобиғи, қулоқ, бурун бўшлиқлари, нафас йўллари, бўғимлар яллиғланиши каби оғир хасталикларни келтириб чиқарувчи хасталиқдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 1,6 миллион аҳоли, жумладан, 800 минг



рия-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Дилором Турсунова. – Касалликнинг яширин даври уч кунгача давом этади. Инфекция, айниқса, иммунитетни заиф болаларга хавф туғдиради. Ушбу касалликдан ҳимояланишнинг энг самарали йўли гўдакни эмлатишдир. Эмлаш тадбирлари икки, уч, ўн икки ойлик болалар ўртасида ўтказилади. Ушбу вакцина болада касалликка қарши кучли иммунитет ҳосил қилади. Аҳолининг хабардорлик

даражасини ошириш мақсадида хонадонлар, маҳаллаларда тушунтириш ишлари олиб борилади.

Тадбир иштиракчилари пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиникада бўлиб, эмлаш ишларида чуқур маълумот беришди. Ўғлим Саидбекни поликлиниканинг тажрибали ҳамширалари ушбу касалликка қарши эмлаб қўйдилар. Авваламбор, оналар ва болалар саломатлигини асраб-авайлашда кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда 51-оилавий поликлиника жамоасига миннатдорлигимизни билдира-миз, – дейди Наргиза Латипова.

51-оилавий поликлиникадан ҳудудимизга бириктирилган умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамширалари хонадонимизга бориб, пневмококкга қарши эмлаш бўйича янги вакцина келтирилганлигини маълум қилиб, у тўғрида чуқур маълумот беришди. Ўғлим Саидбекни поликлиниканинг тажрибали ҳамширалари ушбу касалликка қарши эмлаб қўйдилар. Авваламбор, оналар ва болалар саломатлигини асраб-авайлашда кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда 51-оилавий поликлиника жамоасига миннатдорлигимизни билдира-миз, – дейди Наргиза Латипова.

4-5-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади. Муаллиф олган суратлар.

Анжуман

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган урология маркази, Ўзбекистон урологлар илмий жамияти ҳамкорлигида Европа урологлар мактабининг анжумани ташкил этилди. Унда мамлакатимиз тиббий-илмий марказлари олимлари, шифокорлар, ёш тадқиқотчилар, Германия, Австрия, Италия, Буюк Британия, Испания, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатлардан мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л. Тўйчиев, Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори Ф. Оқилов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида тиббиётнинг барча йўналишида юксак технологиялар воситасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда дастуриламал бўлаётди.

Уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникада аҳолига замонавий тиббий-профилактика ёрдами кўрсатилаётди. Жаҳон тиббиётининг илғор технологиялари билан жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган урология маркази ташкил этилиши аҳолига бу борада

кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш, тиббиёт ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга хизмат қилаётди. Мазкур марказда йилга ўттиз мингга яқин беморга тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бу ерда ҳар йили саккиз ярим мингдан ортиқ мураккаб жароҳлик амалиёти бажарилаётди.

Урология соҳасига юксак тиббий технологияларнинг кириб келиши туфайли илгари жароҳлик йўли билан даволанган кўпгина хасталикларни тигсиз даволаш, беморни соғлом ҳаётга қайтариш имкони кенгаймоқда. Бўйрак-тош касаллигини даволаш бўйича эришилаётган натижалар бунга мисолдир. Бугунги кунда бундай беморларнинг қарийб тўқсон фоизи эндоскопия усулида даволанмоқда.

Пешоб йўли торайиши натижа-сида илгари инсон саломатлиги хавф остида қоларди. Ушбу турдаги хасталикни пластик операция усули билан даволаш амалиёти яратилиши урологиянинг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Мамлакатимиз шифокорлари тараққий этган хорижий мамлакат-

ларда қўлланилаётган ушбу усулни ўзлаштириб, ундан амалиётда самарали фойдаланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида урология бўлимлари ташкил этилиб, юксак тиббий технологиялар билан жиҳозлангани соғлиқни сақлаш соҳасидаги илғор усулларни ҳудудларга ҳам изчил татбиқ этиш имконини бермоқда.

Республика ихтисослаштирилган урология марказида даволаш ишлари билан бир қаторда тиббиётнинг долзарб масалалари бўйича илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди. Марказ Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг урология кафедралари учун клиник база вази-расини ўтайди. Бу ерда талабалар учун доимий махсус семинар-тренинг ташкил этилади. “Устоз-шогирд” аънаналари асосида етук олимлар бўлажак шифокорларга илм-фан ва тиббиёт ютуқларини чуқур ўргатишмоқда. Ҳудудлардан малака ошириш учун келган врачлар ҳам урология илми ва амалиётидаги янгиликлар билан бевосита танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлмоқда.

Соҳага кўплаб янги даволаш ва диагностика усуллари кириб келмоқда. Уларни ўз вақтида ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ



этиш ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни талаб этаётди. Мамлакатимизда бўлиб ўтган турли тиббий-илмий анжуманлар бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омили бўлаётди.

– Европа урологлар мактаби тиббиётнинг ушбу соҳасидаги илғор ютуқларини тарғиб қилувчи нуфузли илмий жамиятлардан биридир, – дейди Париж университети урология департаменти директори, про-

фессор Эммануэл Шартье-Кастлер. – Ушбу мактаб машғулотларининг Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас. Юртингизда тиббиёт тизимида эришилаётган улкан ютуқлар инсон саломатлигини муҳофазалашда юксак самара бераётди. Ушбу йўналишдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, жаҳон илм-фани ютуқларини изчил тарғиб этиш бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда урология соҳасида эришилаётган муҳим натижалар, амалиётга татбиқ этилаётган янги диагностика ва даволаш усуллари, замонавий шифо воситалари ва улардан фойдаланиш амалиёти, тиббий-профилактика ишларини ташкил этишдаги янгиликларга оид маърузалар тингланди ва ўзаро тажриба алмашилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
Ёлқин ШАМСИДИНОВ,
олган сурат. Ўза.

Достижения в медицине

В ФЕРГАНЕ ВПЕРВЫЕ ПРОВЕДЕНА ОПЕРАЦИЯ НА СЕРДЦЕ

В Ферганском областном многопрофильном детском медицинском центре впервые и успешно проведена сложная хирургическая операция у двух детей с врожденным пороком сердца.

В Ферганской области осуществлена значительная работа по модернизации детских медицинских учреждений, оснащению их новым медицинским оборудованием. В частности, в 2013 году в новое здание переехал областной многопрофильный детский медицинский центр, специализирующийся на оказании высококвалифицированной медицинской помощи детям до 18 лет. В 2014 году сдан в эксплуатацию новый лечебный корпус. Расширилась деятельность центра, к отделениям хирургии, реанимации, ортопедии, пульмонологии, гастроэнтерологии, кардиоревматологии, неврологии добавились отделения офтальмологии и урологии. Сегодня здесь на основе передовых методик проводятся сложные хирургические операции.

С целью дальнейшего улуч-

шения качества оказываемых в центре медицинских услуг организуется хирургическое вмешательство больным с врожденным пороком сердца, находящихся под контролем диспансера. По данным Всемирной организации здравоохранения, в мире на каждую тысячу новорожденных приходится 6-7 случаев врожденно порока сердца. Операция может полностью устранить это заболевание и вернуть ребенка к полноценной жизни. В нашей стране проводится весомая работа по оздоровлению детей с таким заболеванием. Примером тому является и проведенная хирургическая операция у детей с врожденным пороком сердца, ставшая первой в практике центра. Мирзаходжа Ниезходжаев из села «Томоша» Фуркатского района родился в 1999 году. С рождения он находится под наблюдением врачей. Был госпи-

тализирован с жалобами на затрудненное дыхание, учащенное сердцебиение, бессилие.

А Икромжону Ибрагимову из Куштепинского района всего три года. У него врожденный порок сердца – открытый артериальный проток, что вынуждает ребенка быть под постоянным наблюдением врачей. Обоим пациентам успешно проведены операции по закрытию открытого артериального протока, интенсивные процедуры в реанимационном отделении. После стабилизации состояния, дети переведены в отделение хирургии для продолжения процедур. – *Сын начал быстро устывать, у него синели губы, – цитирует Уза слова матери Икромжона Дилрабо Фозиловой. – В последнее время он не мог пройти и нескольких шагов и просил брать его на руки. Надеюсь, что мой ребенок окончательно выздоровел. Очень благодарна всем врачам.*

В операции приняли участие кардиохирург областного многопрофильного детского медицинского центра Жавлон Муйдинов, заведующий хирургическим от-



делением Ибрагим Умаров, кандидаты медицинских наук – кардиохирург клиники Андижанского государственного медицинского института Абдуносир Тургунов и анестезиолог-реаниматолог Республиканского специализированного центра кардиологии Санджар Омонов.

– До настоящего времени подобные операции проводились в Ташкенте или за рубежом, – говорит детский хирург, кавалер ордена “Эл-юрт хурмати” Ибрагим Умаров. – Теперь возможность проведения подобных операций появилась и в нашей области. Мы можем вылечить детей и сделать счастливыми их родителей. Рады, что первый шаг сделан и операция прошла успешно.

Маъсуджон СУЛЕЙМАНОВ,
фото МУХИМЖОНА
КОДИРОВА. (Уза).

ФАРЗАНД ТАБАССУМИ – ОИЛА ҚУВОНЧИ

Фаргона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Туркиянинг ТИКА ривожланиш агентлиги ҳамкорлигида “Фарзанд табассуми – оила қувончи” номли хайрия акцияси ўтказилди.

15 октябрдан 23 октябргача давом этган хайрия тадбирида Туркиянинг ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг 17 нафар

етакчи олиму шифокорлари иштирок этишди. Шунингдек, тадбирда 60 нафар фарғоналик жароҳлар, ҳамширалар, анестезиолог ва реаниматологлар, травматологлар, ортопедлар ҳамда Фаргона вилоят стоматология шифо-

хонаси мутахассислари қатнашди. Вилоят шаҳар ва туманларидан, Андижон, Наманган, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидан келган ота-оналар фарзандлари билан хорижлик малакали мутахассислар қабулида бўлдилар.

300 нафардан зиёд юз-жағ соҳасида нуқсонли бўлган ва куйгандан кейин чандиғи қолган болалар кўриқдан ўтказилди. Улардан 100 нафари пластик жароҳлик амалиёти учун ажратиб олинди, қолган ўғил-қизларнинг ота-она-

ларига тиббий маслаҳатлар берилди. Хайрия тадбирида туркиялик шифокорлар маҳаллий шифокорлар учун назарий ва амалий билимлар – маҳорат дарслари беришди, жароҳлик амалиётидаги замонавий, болалар саломатлигини тиклашдаги янги усуллар ҳақида тажрибалар билан ўртоқлашди.

– Туркиянинг энг машҳур пластик жароҳлари, профессорлар, етук мутахассислари юзлаб оила-ларга чинакамига қувонч олиб кир-

ганидан хурсандмиз, – дейди туркиялик профессор Бейазит Дикмен. – Акция давомида бизга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан барча шароитлар, имкониятлар яратиб берилганидан мамнун бўлдик.

Барча жароҳлик амалиётлари Туркиянинг ТИКА ривожланиш агентлиги томонидан бепул ўтказилди.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси.

ТАЪЗИМ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

Мамлакатимизнинг барча тиббиёт муассасаларида халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш орқали юртимиз тараққиётига, унинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётган тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Сизларга соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик, аҳоли саломатлигини сақлашдек олижаноб ишларингизга улкан муваффақиятлар тилайди.

Бу дунёда улғу зот,
Шифокордир, шифокор.
Юрагида меҳру шафқат,
Беҳад бисёр, беҳад бисёр.
Яхши ҳамки, бахтимизга,
Сиз дунёда борсиз, бор.
Таъзим сизга, шифокор.

Сиз туфайли юртимиз,
Қудрати, камолоти,
Ўзингиз-ку аслида,
Ибн Синонинг зоти.
Яхши ҳамки, бахтимизга,
Сиз дунёда борсиз, бор.
Раҳмат сизга, шифокор.

Гиппократ қасамёди,
Доим дилингизга жо.
Қўлингизда даво топган
Беморларнинг кўнгли тоғ.
Яхши ҳамки бахтимизга.
Сиз дунёда борсиз, бор
Раҳмат сизга, шифокор.

Дардимизга даводир,
Ширинсухан сўзингиз.
Ғам кўрмасин сира ҳам,
Нур чақнаган кўзингиз.
Яхши ҳамки бахтимизга,
Сиз дунёда борсиз, бор.
Раҳмат сизга, шифокор.

Уйимиз саранжоми,
Сариштаси аёлдир.
Тиббиёт оламининг,
Фариштаси аёлдир.
Яхши ҳамки бахтимизга,
Сиз дунёда борсиз, бор.
Таъзим сизга, шифокор.



**ЎЗБЕКИСТОН СОГЛИҚНИ
САҚЛАШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА
ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

*халқимиз саломатлиги йўлида
фидоқорона меҳнат қилаётган
юртимиздаги тиббиёт ходимларини
касб байрамлари билан самимий
муборакбод этади!*

*Уinsonлар саломатлигини муҳофаза
қилишдек шарафли ва
машаққатли ҳамда масъулиятли
ишларингизга омад, ўзингизга соғлиқ-
омонлик, оилавий хотиржамлик ёр
бўлишини тилаб қолади*

**Тиббиёт****САЛОМАТЛИК –
БЕБАҲО НЕЪМАТ**

Навоий вилоятида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилди.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди вилоят филиали, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят она ва бола скрининги маркази ҳамкорлигида Нурота ва Томди туманларида ташкил этилган тиббий кўрикда 900 га яқин аҳоли, жумладан, икки юздан зиёд бола текширувдан ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор тиббиёт муассасаларини босқичма-босқич “Саломатлик” лойиҳаси асосида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тиббий кўрикка асосан фертил ёшдаги аёллар, болалар ва кексалар жалб этилди, аниқланган касалликлар бўйича зарур тавсиялар, даволаниш учун йўлланмалар берилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга мурувват ёрдами кўрсатилди.

– Ёшим 71 да. Икки йилдан буён қон босимим ошиб, ошқозоним безовта қиларди, – дейди **Нурота тумани Сентоб қишлоғидан Р. Бобоев.** – Малакали шифокорлар кўригида бўлиб, зарур тавсия ва маслаҳатларни олдим. Ҳеч қандай жиддий хасталик йўқлигини эшитиб, кўнглим таскин топди. Барака топишсин. Бундай эзгу ишларга раҳнамолик қилаётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Н. РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Шеърят**СИЗНИ МАДҲ
ЭТГИМ КЕЛАР**

Бу ёруғ дунёга келгандан буён,
Эллик олти баҳорни кўрганим аён.
Касбимни улғулаб яшадим ҳар он,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.

Мустақил юртимнинг йигирма тўрт ёши,
Тиббиёт илмидан тоғдир бардоши.
Бошида сўнмагай хурлик кўёши,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.

Минг битта касбнинг дўсти, ҳамроҳи,
Муҳаббат окшомин ойдек чироғи.
Тиббиёт энг қадим, илм-илоҳий,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.

Сизлар бор, орзулар ушалгай бешак,
Сизлар бор, оналар айтади эртақ.
Илмингиз умрбахш тоабод керак,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.

Мадҳингиз ёзгани ожиз қаламлар,
Қалбингиз бебаҳо ироқи шамлар...
Бир умр соғ бўлинг, тортманг аламлар,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.

Тиббиёт илмисиз зар қадри бўлмас,
Мол-дунё, тожу тахт кўзга кўринмас.
Касбингиз нақадар буюк, муқаддас,
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар.
Рустам АБДУЛҲАМИД,
Андижон вилояти, шифокор.

Обуна – 2016**Ҳурматли муштарийлар!**

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2016 йил учун обуна мавсуми бошланди.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!

Нашр индекси: 128.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4236 нусха.
Буюртма Г-1158.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табак. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

